O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ОДАМЛАРНИНГ МИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН ДУНЁҚАРАШИ ВА МЕНТАЛИТЕТИГА АСОСЛАНГАН, АЙНИ ВАҚТДА ШУ ХАЛҚ, ШУ МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИНИ КЎЗЛАГАН ВА УНИНГ ДУНЁДАГИ ЎРНИНИ АНИҚ-РАВШАН БЕЛГИЛАБ БЕРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН, КЕЧАГИ ВА ЭРТАНГИ КУН ЎРТАСИДА ЎЗИГА ХОС КЎПРИК БЎЛИШГА ҚОДИР ҒОЯНИ МЕН ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ДЕБ БИЛАМАН.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
23 МАЙ
СЕШАНБА

№ 59 (25.609).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси Вольфганг Тирзе раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари В.Тирзени нафақат Германия парламенти раиси, балки мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришга анча хизмати синган етук сиёсий арбоби, деб билишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парламентлараро алоқалар, шунингдек, кенг кўламли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ — АРАБ ТИЛИДА

Саудия Арабистони подшоҳлигининг «Дар ал-Салом» компаниялари гуруҳи араб тилида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак йўлида» номли китобини чоп этди. Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодиёт, сиёсат, таълим, маданият ва ижтимоий мавзудаги асарларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш кучли. Шу сабабли АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Италия каби мамлакатларда юртбошимизнинг кўплаб асарлари чоп этилган. Хорижда нашр этилган асарлар қаторига Саудия Арабистонида яқинда босмадан чиққан «Ўзбекистон буюк келажак йўлида» китоби ҳам қўшилди.

«Дар ал-Салом» ноширлик борасида араб дунёсида катта обрўга эга. «Ўзбекистон буюк келажак йўлида» Ислом Каримовнинг илгари чоп этилган китобларидан саралаб олинган. Унда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда танлаган ўзига хос йўли, сиёсати, иқтисодиёти, шунингдек, диний ва миллий қадриятлари ҳақида сўз боради.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон — Саудия Арабистони ҳукуматлараро савдо-иқтисодий комиссияси ҳамраиси М. Усмонов, Саудия Арабистонининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафиа ва «Дар ал-Салом» компаниялар гуруҳининг халқаро инвестициялар бўйича раиси Муҳаммад Абдулкарим Райҳон мазкур китоб икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам китобнинг араб тилида нашр этилиши араб дунёсида Ўзбекистонга, унинг раҳбарига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан, мамлакатимизни ўрганишга интилиш кучаяётганидан далолатдир.

(ЎзА)

«УНИВЕРСИАДА-2000» СПОРТ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Барчангизни мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — камолот, ғўзаллик ва спорт байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Бу универсиаданинг айнан «Соғлом авлод йили»да ўтаётгани теран маъно-мазмун касб этади.

Ватан, халқ шуҳратини дунёга таннум этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига янгиданянги ютуқ ва зафарлар тилайман. Ишонаманки, эл-юрт равнақи йўлида қайси соҳада меҳнат қилишингиздан қатъи назар, спорт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК, МАҲОРАТ

Наманганда «Универсиада — 2000» байроғи кўтарилди.

Оллоҳнинг марҳамати билан кеча оқшом водийга ёқимли салқин чўкди. Шу кунгача қиздириб турган қуёш гўё тин олгандек бўлди. Гуллар маскани Наманган аҳли бўлса байрам оғуши-да сархуш. Кўчалар, иншоотлар, хиёбонлар байрамона ороланганлиги. Ўзбекистон талаба-ёшларининг ўзига хос спорт байрами «Универсиада-2000» иштирокчилари кўтаринки кайфиятда.

— Бу бежиз эмас, — дейди тантанали очилиш маросимининг муаллифи, таниқли режиссёр Марат Азимов.— Мустабид замонда ёшларнинг бундай йиғинларини ташкил этиш орзуҳавас бўлган. Назаримда, универсиада Марказий Осиё ўйинлари каби спортнинг оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Вилоятнинг марказий спорт мажмуаси — «Навбаҳор» стадиони ҳар қачонгидан гавжум. Соат миллари 18⁰⁰ни кўрсатганда спорт байрамининг очилиш маросими бошланди. Майдонга Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкентнинг терма жамоалари кириб келишди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Универсиада иштирокчилари номига йўллаган табригини Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида юртимиз байроғи майдон узра ҳилпирайди. Сўнг вилоят ҳокими Т. Жабборов, универсиадани ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси, олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов катта мусобақа иштирокчиларига зафар тилашди. Мусобақа машъаласини стол тенниси бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, спорт устаси наманганлик Севара Қодирова ёқди.

Тантанали маросим спортчиларнинг оммавий ўйинлари, Комилжон Тожибоев бошчилигидаги дорбозларнинг ўйинлари, эстрада ва рақс санъати усталарининг чиқишлари билан уйғунлашиб кетди. Йиғилганлар Камолиддин Раҳимов, Ғуломжон Ёқубов, Фарруҳ Зокиров ва Юлдуз Усмоновларнинг қўшиқларини самимий олқишладилар. Бир сўз билан айтганда, бир ҳафта давом этадиган универсиада йигит-қизларнинг ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик билан маҳорат кўрсатишга илҳомлантиради, деган умиддамиз.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг йиғилиши 2000 йил 25 май куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 23 май куни соат 17.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. Худди шу вақтда Олий Мажлисда «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлади. 24 май куни соат 12.00 да Олий Мажлисда Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши ўтказилади, соат 13.00 да — «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, соат 14.30 да эса — ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«КИНОИЖОДКОРЛАР, ҚАЕРДАСИЗ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 13 апрель сонида босилган «Киноижодкорлар, қаердасиз?» сарлавҳали мақола «Ўзбеккино» Давлат акциядорлик компанияси кенгашининг йиғилишида муҳокама қилинди.

«Қорақалпоқкино» ДАК, Тошкент шаҳар ва вилоятлар «Киновидео» акциядорлик бирлашмалари раисларига барча киновидеофаолият билан шуғулланаётган видео шаҳобчалардаги киновидеофильмларни тартибга солиш чора-тадбирларини кучайтириш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 29 апрелдаги «Ўзбеккино» Давлат акциядорлик компаниясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармонининг 2-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарорининг 5-бандига асосан киновидеофильмларни рўйхатдан ўтказиш «Ўзбеккино» ДАКга юклатилган. «Ўзбеккино» ДАКнинг 1997 йил 23 январь 8-сонли буйруғига асосан киновидеофильмларга маънавий жиҳатдан баҳо бериш эксперт гуруҳи тузилган. Эксперт хулосасини олган барча киновидеофильмлар жамланиб «Ўзбеккино» ДАК томонидан кинофильмлар каталоги чоп этилди. Ҳозирги кунда ҳамма киновидеофаолият билан шуғулланаётган киновидео шаҳобчаларга ушбу каталог репертуар сифатида тарқатилмоқда.

Маълумки, киновидеофаолият билан шуғулланаётган шаҳобчаларда баъзи эксперт хулосасини олмаган киновидеофильмлар ҳам учраб туради. Ана шундай ҳолатга чек қўйиш мақсадида республика Ички ишлар вазирлиги, республика Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбеккино» Давлат акциядорлик компанияси ва бошқа назорат органлари ҳамкорликда рейдлар ўтказмоқдалар. Вилоятларда ҳам шундай рейдлар ўтказилмоқда.

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, аҳолига хизмат кўрсатувчи кўпгина корхоналар ва муассасалар амалдаги қонунлар, тартиб-қоидаларни бузиш, рухсатномасиз фаолият кўрсатиш, шу жумладан, киновидео шаҳобчаларда «Ўзбеккино» ДАК қошидаги эксперт гуруҳи томонидан тақиқланган видеофильмлар ва рўйхатдан ўтмаган видеофильмлар аниқланди ва уларни бартараф этиш ҳамда чора кўриш учун керакли ташкилотларга юборилди.

Булардан ташқари қишлоқ ёшлари, уларнинг орзу-ўйлари, муҳаббати ҳақидаги «Чаёнгул», тадбиркорлар, хусусан аёл тадбиркорлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Бахт қадри», қадимий урф-одатларимиз, кишиларни эзгуликка чорловчи, лоқайдликка қарши курашга даъват этувчи «Пари момо», болаларга аталган «Мешполвон» фильмлари устида ҳам иш бошланган.

Ўзбек кино ижодкорлари маънавият ва маърифатни, истиқлол тамойилларини кенг халқ оммасига етказиш борасида ўз меҳнатларини, истеъдодларини аямайдилар.

■ **«Ўзбеккино» ДАК раиси Т. ЮНУСОВ**

«БЕМОРЛАР ОШИГА «ШЕРИК»ЛАР»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 2 март сонида чоп этилган «Беморлар ошига «шерик»лар» сарлавҳали мақолада кўрсатилган фактлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан Самарқанд вилояти 2-сон сил касалликлари касалхонасида ўрганиб чиқилди. Мақолада келтирилган фактлар текшириш давомида ўз тасдиғини топди. Содир этилган молиявий қонунбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрмаганлиги ва шифохона ҳисоб-китоб ишларини ташкил қилишда етарли назорат олиб бормаганлиги учун вилоят 2-сон сил касалликлари касалхонаси бош шифокори З. Булаевга «хайфсан» эълон қилинган.

Шу шифохона бош ҳисобчиси У. Жиянов ноқонуний ўзлаштириб олган 346400 сўм давлат маблағини 2000 йил 7 февралида 44-сонли кирим ордери орқали шифохона хазинасига тўлаган. У. Жиянов устидан Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан 2000 йил 21 январь куни жиноий иш қўзғатилган.

Ҳозирги кунда вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан шифохонанинг молия ва хўжалик фаолияти тўлиқ тафтишдан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Самарқанд вилояти бўйича Назорат инспекциясига ушбу касалхона фаолияти устидан назоратни кучайтириш топширилган.

■ **Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари М. ХОДЖИБЕКОВ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 23 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	136,13
1 Австрия шиллинги	15,43
1 Англия фунт стерлинги	351,82
10 Бельгия франки	52,62
1 Голландия гульдени	96,32
10 Греция драхмаси	6,31
1 Дания кронаси	28,48
1 БАА дирхами	64,71
1 АҚШ доллари	237,65
1 Миср фунти	69,13
10 Испания песети	12,76
100 Италия лираси	10,96
1 Канада доллари	158,40
1 Хитой юани	28,71
10 Люксембург франки	52,62
1 Малайзия рингити	62,55
1 Германия маркаси	108,53
1 Польша злотийси	52,93
1 СДР	309,06
1000 Туркия лираси	0,38
1 Финляндия маркаси	35,70
1 Франция франки	32,36
1 Швейцария франки	136,77
1 ЕВРО	212,27
10 Жанубий Корея вони	2,11
10 Япония иенаси	21,97
1 Россия рубли	8,39
1 Украина гривнаси	43,93

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ЙИЛ ОЙ КУН

ТИНЧЛИК ПОЙГАСИ

«Буюк ипак йўли» қадимдан Осиё ва Европани боғловчи кўприк вазифасини бажариб келган. «Дунё бўйлаб 80 кун» шиори остида давом этаётган халқаро автораллининг шу йил бўйлаб, жумладан, Ўзбекистон орқали ўтиши ана шу фикрнинг яна бир тасдиғидир.

«Дунё бўйлаб 80 кун» илк бор ўтказилмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Япония, Италия, Германия, Австралия каби ўттизга яқин мамлакатдан пойгачилар иштирок этаётган бу халқаро автопойганинг ўзига хос жиҳатларидан бири — мусобақа иштирокчилари жуда узун масофани — 31 минг километрни босиб ўтади. Илгари ўтказилган пойгаларнинг бирортасида бундай олис масофа танланмаган. Иккинчи жиҳат — пойгада поёнига етиб бораётган асримизнинг бошларида ишлаб чиқарилган, ҳозир музейларда ва автомобиль коллекционерларидагина қолган ноёб машиналар иштирок этмоқда.

Ралли 1 май куни Лондоннинг «Tower Bridge» кўпригида бошланган. Иштирокчилар Франция, Италия, Греция, Грузия, Озарбойжон ҳамда Туркманистондан ўтиб, 19 май куни Бухоронинг Олот тумани орқали Ўзбекистонга кириб келди.

Меҳмонлар бир неча кун давомида Самарқанд ҳамда Тошкент шаҳарларида тўхтаб, ўзбек халқининг урф-одатлари, шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

«Дунё бўйлаб 80 кун» иштирокчилари 22 май куни мамлакатимиз ҳудудини тарк этиб, Хитойга йўл олди. У ердан денгиз йўли орқали Америка қитъасига ўтилади. Пойгачилар 18 июль куни Буюк Британия пойтахтида бўлиши керак.

■ **ЎзА**

ПЕШҚАДАМ ПИЛЛАКОРЛАРГА — ГИЛАМ

Биринчи бўлиш, баракали пилла ҳосил етиштиришнинг завқи бошқача. Ш. Абдураззоқова 180 кг. А. Қамбаров 89кг. пилла топшириб, мавсум пешқадами бўлган чоғда Шаҳрихон туман ҳокими М. Раззоқов билан академик Т. Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ў. Бозорбоевлар пиллахонага келиб қувонишди. Илғорларнинг ҳар бирига гилам мукофоти топширилди, — деб хабар қилади мухбиримиз **Аҳмадулло СОЛИЕВ.** Бу кўпчиликка ғайрат-шижоат бахш этди.

ЕР ҚАЪРИДАГИ «МАЛИКА»

Академик Яҳё Ғуломов номидаги археология институтининг етакчи мутахассиси, тарих фанлари доктори Муҳаммаджон Исомиддинов ва Франция илмий марказининг илмий ходими Клод Рапен бошчилигидаги ўзбек-француз экспедицияси қатнашчилари Самарқанд вилояти, Челак туманидаги Кўктепа тепалигидан ноёб топилмани қўлга киритдилар.

Тепанинг энг баланд қисми марказида 25-30 ёшли асилзода маликанинг қабри топилди. Қабрга аёл қимматбаҳо уст-боши билан дафн қилинган. Аниқланишича аёл кўйлаги 200 га яқин тилло тугмалар билан безатилган. Маликанинг ёнига кумуш ойна, кумуш пиёла ва жез қозон қўйилган. Олимларнинг фикрича, малика милоддан аввалги биринчи асрларнинг расм-русумлари ва дафн маросимларига асосан қабрга қўйилган.

— Бундай қимматбаҳо ашёлар билан дафн этилган қабр Самарқанд ҳудудида биринчи марта топилди. Бу қадимий тарихини ўрганишда янги-янги саҳифалар очади, — дейди археология институтининг директори, профессор Темур Ширинов.

■ **Лутфулло МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

СИРДАРЁ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ

Нега ундан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмаётир?

Сирдарё вилоятида ўтган йили 48 миллион 400 минг АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилинди. Агар шу даврда импорт ҳажми 33,2 миллион долларни ташкил этганлигини инобатга олсак, экспорт ҳажми четдан олиб келинаётган маҳсулотга нисбатан деярли 1,5 баробардан ҳам ортиқ бўлганини кўрамиз. Бир қарашда бу рақамлар ишлар рисоладагидайин, деган тасаввур беради.

Бироқ масала моҳиятига чуқурроқ кириб боргудек бўлсангиз, рости бироз кўнгил ҳижил тортади. Чунки умумий экспорт ҳажми ҳам, четга чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳам йилдан-йилга ортиши ўрнига камайиб бормоқда. Ваҳоланки, аксинча бўлиши керак эди. Чунки илгари четга бирор маҳсулот сотиш учун биз юқори, яъни иттифоқ ҳукуматидан рухсат олишга мажбур эдик. Энди бўлса, мустақил давлатда яшаётирмиз. Содда қилиб айтадиган бўлсак, бу борада ўзимизга ўзимиз хўжайинмиз, табиийки, қилган саъй-ҳаракатларимизга яраша келадиган фойда ҳам, зиён ҳам ўзимизники.

Хўш, шундай экан, нега деярли мана ўн йилдирки, экспорт ҳажми ўсиш ўрнига аста-секин камайиб, ўз салоҳиятини сусайтириб бормоқда?

Вилоят статистика бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, четга пахта толасини сотишдан тушаётган даромадлар умумий экспорт ҳажмининг 90,3 фоизини ташкил этмоқда. Рост, бу кўрсаткич билан мақтаниб бўлмайди. Чунки вилоят ҳудудидан биринчи бор четга пахта толаси жўнатила бошлаганига деярли юз йилдан ошмоқда. Четга пахта толасини сотиш бизларга ота-боболардан қолган эски ва оғир машғулот. Хўш, бизлар ўз ўтмишдошларимиздан фарқли ўлароқ четга харидоргир маҳсулотлар чиқариш борасида нималарни ўргандик? Бу саволга жавоб олиш учун экспорт ҳажмини пахта толасидан сўнг келувчи «бошқалар» деб ёзиладиган сатрига назар ташлайлик. Унинг салмоғи эса бор-йўғи умумий экспорт ҳажмининг 9,7 фоизини ташкил этмоқда.

Хўш, салмоғи жиҳатидан ҳозирча эътиборга молик бўлмай, «бошқалар» дея юритилаётган маҳсулот турларига нималар киради? Бу маҳсулот турларининг келажакда эътибор топиши, бозорни кенгайтира олишига умид боғласа бўладими ёки йўқми?

Келинг, бу саволга жавоб топишдан олдин бу йилги натижаларга эътибор қилиб кўрайлик. Йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 14 миллион 869,3 минг АҚШ доллари миқдорига тенг бўлди. Бу кўрсаткични ўтган йилнинг шу давридаги натижаларига қиёслайдиган бўлсак, у — 91,4 фоизни ташкил этганини кўрамиз. Демак, яна орқага чекиниш рўй бермоқда. Шу давр мобайнида маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми 9 миллион 891,1 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бу борада ҳам ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли 7 фоиз чекинишга йўл қўйилди.

Ўтган йили Сирдарё вилояти турли жамоалар вакиллари, ишбилармон ва тадбиркорлари деярли 22 мамлакат билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган эди. Бу йил эса ҳозирча бу қадар катта рақамни тилга олиш қийин. Ҳамдўстлик мамлакатларидан Россия, чет эл мамлакатларидан Америка Қўшма Штатлари ва бошқа хорижий давлатлар ҳозирча сирдарёликларнинг асосий ҳамкорлари бўлиб турибдилар.

Россия истеъмолчиларига жўнатилаётган моллар вилоят умумий экспорт ҳажмининг деярли 24,1 фоизини ташкил этмоқда. Бир қарашда бу ҳам қувонарли ҳол. Чунки бозор иқтисоди даврида мўътадил ҳамкорларга эга бўлиш, ўз маҳсулотларинг учун ишончли бозорларни эгаллаш ғоят муҳим нарса эканлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Лекин биз ана шу улкан бозорга нималарни экспорт қилаётирмиз?

Маълум бўлишича, сирдарёликлар бу мамлакатларга одатдаги пахта толасидан ташқари соя шроти, яъни қунжараси, шунингдек у қадар кўп бўлмаган миқдорда машиналар учун тайёр қисмлар, линт, увада, мева-сабзавот маҳсулотлари... Кўриниб турибдики, бу каби маҳсулотлар билан узоққа бориш ҳам, ҳозирча эгаллаб турилган бозорлардаги ўринларни сақлаб қолиш қийин, албатта. Чунки бундан буён харидоргир маҳсулотлар учун рақобатларнинг йил сайин эмас, ой сайин кучайиб бориши турган гап.

Валюта тушумининг каттагина қисми Эрон мамлакати ҳисобига тўғри келаётган бўлса-да, сирдарёликлар бу мамлакатдаги ҳамкорларига ҳам ҳозирча асосан соя шроти экспорт қилмоқдалар. Соя эса ўзи импорт қилинадиган хомашёлардан. Демак, умуман олганда ундан кўриладиган фойдадан ҳам барака топиш қийин. Бир сўз билан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вилоят ишбилармонлари ва тадбиркорларининг чет элга пахта толасидан бошқа жўнатиб туришган маҳсулотларига ҳам, уларнинг ҳажмию салмоғига ҳам ҳавас қилиш қийин.

Хўш, вилоятда экспорт ҳажмини ҳамда маҳсулот турларини кўпайтириш ва кенгайтириш борасида қандай ишлар қилинмоқда? Бу йўлда астойдил уринишлару жон куйдиришлар борми ва улар сезилаётирми, энг муҳими улардан натижалар бўлаётирми?

Агар бу ўринда айтарли ишлар қилинмаётир десак, хато бўлади, албатта. Чунки кейинги уч-уч ярим йиллик давр мобайнида Гулистон шаҳрида уч маротаба «Сирдарёда бизнес қилинг» мавзуида халқаро амалий семинар ҳамда симпозиумлар ўтказилди. Бу тадбирларга кўплаб чет эллик ишбилармонлар, тадбиркорлар ва бошқа мутасадди кишилар таклиф этилди. Айни пайтда сирдарёликлар ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларига иш ўрганиш, тажриба орттириш учун бориб келмоқдалар. Гулистон шаҳрида халқаро талабларга жавоб бера оладиган меҳмонхона, кемпинг, кўнгилочар жойлар қурилди. Пойтахтимиз билан вилоятимиз маркази ҳамда бошқа шаҳар ва туманларни боғлайдиган йўллар яхшиланди. Халқаро телефон хизматида ҳам муаммолар йўқ ҳисоби.

Бироқ афсуски, юқоридагиларга қарамасдан ҳамон ишончли ва нуфузли сармоядорларнинг самарали таширифларидан дарак йўқ. Шу йилнинг бошига қадар қайд этилган маълумотларга кўра, вилоятда ҳаммаси бўлиб 21 та қўшма корхона ҳисобга олинган. Шундан бор-йўғи ўн биттасигина ишлаб турибди. Уларнинг ҳам тўрттаси фаолиятидан бироз қониқиш ҳосил қилиш мумкин, холос.

Булар ер ёнғоқдан холва ишлаб чиқараётган «Сирдарё», «Лечива-фармсаноат», қишлоқ хўжалик машиналари учун тайёр қисм ишлаб чиқараётган «Бахтқишмаш», томат пастаси тайёрланган «Сайхун — пая» ҳамда «Оқолтин» қўшма корхоналаридир. Ўтган йили ана шу қўшма корхона меҳнат жамоалари салкам икки миллион сўмлик ҳажмда маҳсулот импорт қилган бўлсалар-да, лекин улар орасида биргина «Лечива-фармсаноат» жамоасигина 112 минг АҚШ доллари миқдорида четга маҳсулот чиқаришга муваффақ бўлди. Қолганлари эса имкон қадар фаолият кўрсатаётган бўлсалар-да, ҳозирча вилоят валюта хазинасига дармон бўлишларидан дарак сезилмайди.

Энди бир ўйлаб кўрайлик. Худуди кенг, деярли барча имкониятларга эга бўлган Сирдарё каби йирик вилоят учун ўн биттагина қўшма корхонанинг ишлаб туриши бу жуда оз эмасми? Қолаверса, бу соҳа учун жавоб берадиган, жон куйдирадиган, масъулиятни дадиллик билан ўз зиммасига ола биладиган ташкилот борми?

Бундай ташкилот, албатта, бор. У ҳам бўлса — Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Сирдарё вилоят худудий бошқармасидир. Ўрни келганда шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, вилоятда энг кўп бошлиғи ўзгариб турадиган ташкилотлардан бири — шу бошқарма, десак, у қадар катта хато бўлмас. Ҳозирги раҳбар Уйғун Абдураҳмоновнинг иш бошлаганига тўққиз ой бўлибди.

Раҳбарни танқид қилиш осон, лекин унинг ҳолига тушуниш қийин — бу бор гап. Лекин раҳбарлар келиб кетаверсаю, орқасидан бирор хайрли иш ёки из қолдирилмаса — бу ҳам яхши эмас. Эндигина тўққиз ой ишлаётган Уйғун акага жиддий таъна қилиш ниятидан йироқмиз. Лекин шунча ойдан бери ҳеч бўлмаганда кўпдан ҳаракатсиз қолган ўнта қўшма корхонадан жилла қурса битта, борингки иккитасининг ғилдирагини юргазиб юборилганда албатта, хайрли ишнинг бошланиши бўларди. Қолаверса, бошқарма фаолиятининг келажагига катта умид уйғонган ҳам бўларди-да.

Майли, ўтган ишга саловат, соҳамизнинг келажаги қандай? Нималарга қўл урилмоқдаю нималар режалаштирилмоқда? Биз бошқарма бошлиғи Уйғун Абдураҳмоновдан даставвал шу ҳақда сўрадик.

— Дастурларимиз бор, ишлаб чиққанмиз. Лекин ҳозир улар юқори идораларга жўнатилган. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигидан ўтгач, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилиши ва тасдиқдан ўтиши керак. Унгача бирор нарса дея олмаймиз, — деди у киши суҳбатимиз бошида. Биз эса беихтиёр ўзимизча ўйладик: яна юқори ташкилотлар, вазирликлар, кутишлар, идорама-идора юришлар ва кутиш, кутиш... Ваҳоланки, шу вилоятда самарали фаолият кўрсатаётган, хусусан ўтган йили 41 миллион 690 минг сўмлик иш бажариб, юқорида айтганимиздек вилоят валюта хазинасига ўзининг муносиб улушини қўшаётган «Лечива — фармсаноат» қўшма корхонаси бор-йўғи икки ойда қуриб битказилгани ва беш ой деганда маҳсулот чиқара бошлагани наҳотки кўпчиликнинг ёдидан кўтарилган бўлса? Агар шу йўсинда иш юритадиган бўлсак, яна у дастуримиз ижросини ҳам келажак авлодга васият тариқасида қолдириладиган ночор аҳволга тушиб қоламизми?

Гарчи бошқарма бошлиғи билан режалаштирилаётган ишлар ҳақида аниқ-равшан мисоллар хусусида мулоқот қила олмаган бўлсакда, у киши айрим фикр-мулоҳазаларни баён этишга жазм қилдилар.

Жумладан, келажакда пахта толасини қайта ишлаш корхоналарини бунёд этиш, ер ёнғоқдан холва чиқаришни кенгайтириш ҳамда Сирдарё соҳилларида халқаро сайёҳлик базаларини очиш ҳисобига вилоят хазинасига валюта туширишни кўпайтириш мўлжалланмоқда. У кишининг таъкидлашича, шулардан кейин ҳам барибир валюта тушумининг деярли 80 фоизи пахта толаси сотиш зиммасида қолади. Бундан юқори сақрашнинг эса иложи йўқ.

Рости, гапнинг ана шу жойи бизга ёқмаяпти. Иложи йўқ, дегани асли масъулиятдан қочиш эмасми? Туяга миниб, олисни кўзла, деганлар. Ҳеч бўлмаганда дастлабки босқичда валюта тушумининг учдан бирини, яқин келажакда эса деярли тенг ярмини, ҳозирча «бошқалар» дея юритилаётган соҳа зиммасига кўтара олмасак, аҳвол ўнгланмайди-ку!

Қолаверса, ҳар бир соҳада журъат ва ўз-ўзига ишонч, масъуллик ҳиссини қалбга туйиб яшаш ёруғ келажакка интилиш демакдир. Зеро, эртанги куннинг мунаввалиги бугунги ишимизга боғлиқдир.

■ **Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ГАВҲАРИ»

Хатирчи туманидаги 78-ўрта мактабда Ғайбулла ас-Салом хотирасига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман мавзуси ана шундай номланди. Йиғилишда олимлардан Нажмиддин Комилов, Сайди Умиров, шоирлар Сафар Барноев билан Муҳаммад Юсуф ва бошқалар Ғайбулла ас-Саломнинг ҳаёт йўли ва ижоди ҳақида маъруза қилдилар. Анжуманни бошқарган вилоят ҳокимининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров Ғайбулла ас-Салом қомус ва калом илмига катта ҳисса қўшганлигини эътироф этди.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

Ғиждувонлик уста Шаҳобиддин Бақоев қўлидан яралаётган бешиклар нафақат Бухорода, балки юртимиз турли манзилларидаги оналарнинг меҳрини қозонган.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

АКАДЕМИЯ — ОЛИЙ ИЛМИЙ ТАШКИЛОТ

Бугун ўзбек олимлари ва ўзбек фани зиммасида катта масъулият ётибди. Буни дилдан англаган бу фан фидойилари ғўза кўсак қуртига «кураш» дан тортиб, сейсмологик хизматларни юқори даражага кўтариш борасида тинмай изланишлар олиб боришяпти. Шунингдек, хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорлиги, Фанлар академияси аъзолари фаолиятида мамлакатимизда ислоҳотларнинг чуқурлашувини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг яқинда бўлиб ўтган умумий мажлисида ана шу мавзу кенг ўрин олди. Унда академия президенти Т.Жўраев «Ўзбекистон Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисида» қилган маърузасида ҳам бу каби ютуқлар кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Низоми»нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси кўриб чиқилди. Бундан буён академия фан-техника, маданият ва маърифат соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларини амалга оширувчи, илмий ишларни мувофиқлаштирувчи ва уларга самарали раҳбарликни таъминловчи, давлатнинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли илмий технологик ютуқларни ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этувчи мамлакатнинг олий илмий ташкилоти ҳисобланишига асос солинди.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

ЧОРАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳар бир касалликнинг олдини олиш, унга қарши курашишда тўғри ва вақтида берилган маълумотнинг аҳамияти катта. Республикамизда эса тиббиёт ходимлари, мутасадди ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликларнинг эпидемияга қарши курашиш чора-тадбирларида фаол иштирок этганликлари боис, деярли барча юқумли касалликлар сезиларли даражада камайди.

Лекин бизга қўшни баъзи мамлакатларда кўпгина юқумли касалликлар бўйича вужудга келган мураккаб эпидемик вазият ҳамда мамлакатимизга оқиб келаётган барча сув манбаларининг эпидемиологик жиҳатдан носоғлом бўлган республикалар ҳудудидан ўтиши юқумли касалликларнинг ана шу восита орқали кириб келиб, тарқалиш хавфини туғдиради. Бу ҳолат жаҳон андозаси даражасидаги давлатлараро эпидемиологик ҳамкорликни талаб қилади. Зарарланган сув ва озиқ-овқатлар орқали тарқаладиган юқумли хасталикларга вабо, қорин тифи, салмонеллезлар ва ичбуруқ киради. Очиқ сув ҳавзаларининг ифлосланиши, кимёвий кўрсаткичларининг талаб даражасига жавоб бермаслиги бактерияларнинг кўпайишига, эпидемияларга олиб келиши мумкин. Август-сентябрь ойлари бу жиҳатдан энг хавфли давр ҳисобланади.

Ўткир юқумли ичак хасталиклари зарарланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, ифлосланган сувда чўмилиш, покизаликка риоя қилмаслик ҳамда бемор билан мулоқотда бўлиш орқали юқади. Ушбу хасталикларнинг эпидемик жараёни даврийлик, мавсумийлик, қуёш циклининг фаоллигига, ижтимоий-биологик, ижтимоий-экологик ҳолатларга ҳам боғлиқдир.

Касалликларнинг клиник аломатлари жуда хилма-хил бўлиб, унинг оғир ёки енгил кечиши хасталикни қўзғатувчи бактериянинг турига, организм иммун ҳолати ва тушган инфекция миқдорига боғлиқ. Масалан, қорин тифи бактерияси ошқозон орқали лимфа тўқималарига ва мензентериал боғламларга жойлашиб, у ерда тез кўпаяди ва қонга ўтади, заҳар ажратиб, нерв, юрак, ошқозон ичак тизимини зарарлайди, ингичка ичакда ҳосил қилган яра эса ёрилиб, ичдан қон кетишига сабаб бўлади ҳамда ногиронликка олиб келади.

Хасталик бош оғриғи, кўнгил айниши, ҳолсизлик ва тошма тошиш билан ўтади. Бемор хасталикнинг яширин даврида шифохонага ётқизилиб, ўз вақтида даволанмаса, сурункали бактерия ташувчиларга айланиб қолишлари мумкин. Эпидемик маълумотларнинг кўрсатишича, қорин тифи қўзғатувчи ташқи муҳитда узоқ сақланади, сел келган, сув тошқини содир бўлган ва сурункали бактерия ташувчилар бор микроучасткаларда авжига чиқиши мумкин.

Ўткир юқумли ичак-хасталиклари билан оғриган беморнинг ич дардини фақат лаборатория ва клиник усул билан аниқлаш мумкин. Бу тадбир эса касалликка қарши курашиш ва унинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик имконини яратади.

Шуни айтиш керакки, бундай касалликлар фақатгина тиббиётнинг муаммоси эмас. Хасталикнинг олдини олишда ижтимоий-коммунал муаммолар ўз ечимини топиши ва шахсий профилактикага алоҳида аҳамият бериш жуда зарур. Жумладан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, канализация-оқава сувларни қайта ишлаш, дала шийпонларида, болалар ёзги оромгоҳларида, бозорларда санитария ҳолатини талаб даражасига кўтариш ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиялари қарорлари ижросини назоратга олиш, вакцина, фаглар ҳамда даволаш препаратларини олиш учун етарли миқдорда маблағ ажратиш, сайёҳлар устидан тиббий назорат ўрнатиш, ахлатхоналарни вақтида тозалаб, дезинфекция қилиш, санитария милицияси ишини фаоллаштириш каби вазифалар талаб қилинади. Республикамиз Президентининг 1998 йил 2 мартда қабул қилинган «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони бу вазифаларни бажариш учун асосий дастур ҳисобланади. Шахсий профилактикада эса покизаликка риоя қилиш, ҳатто сувларни ҳам қайнатиб ичиш, рухсат этилмаган очиқ сув ҳавзаларида чўмилмаслик, дуч келган жойларда овқатланмаслик, ўз соғлиги тўғрисида ўзи қайғуриш ва касаллик белгилари пайдо бўлганда вақтида шифокорларга мурожаат қилишни маслаҳат берамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўткир юқумли ичак хасталикларининг иқтисодиётга келтирадиган зарари миллионлаб сўмларни ташкил қилади. Юқори савияда ўтказилган санитария-эпидемиология назорати эса бундай муаммоларни вақтида ҳал қилишга ёрдам беради.

■ **Мумтоз ҲАКИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

АСРАГАННИ АСРАЙМАН

Халқимизда сендан ҳаракат, мендан барокат, деган нақл бор. Тўғрироғи, Оллоҳ ҳам ўзини асраганни асрар экан. Демоқчи бўлганимиз, ўт балоси, сув балоси каби табиий офатлар борки, бундай кезларда инсон ўзини ҳимоя қилишга мажбур. Айниқса, кутилмаганда ёнғин чиқиши кўпинча одамларга боғлиқлигини унутиб қўямиз. Тўғрироғи, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, давлат назорати бўлими талабларини бажармаслик оқибатида каттакичик ёнғинлар содир бўлаверади. Мисол учун, шу йилнинг биринчи чорагида пойтахтнинг Миробод туманида 34 та ёнғин содир бўлган. Бу ўз навбатида давлатга 248167 сўмлик моддий зарар етказган. 2 кишининг нобуд бўлиши, 1 кишининг оғир тан жароҳати олиши ачинарли ҳолдир. Энг ёмони, бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан кўпроқ эканлигидир.

Ёнғинлар кўпроқ фуқароларнинг турар-жойларида содир бўлмоқда. Сабаб, газ, иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларнинг аксарият ҳолларда носозлиги ҳамда қўлбола электр иситгичлардан фойдаланиш, қолаверса, белгиланмаган жойда сигарет чекиш, электр симларидаги қисқа туташувлар, ёш болаларнинг гугурт ўйнашларига йўл қўйишлар оқибатида турли ёнғинлар юзага келмоқда. Айтайлик, шу йил бошида Темирйўлчилар кўчасидаги 60-хонадонда ёнғин бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Агар газ асбобларидан тўғри фойдаланилганида. Афсуски, юз берган ёнғин оқибатида хонадоннинг том қисми ёнган. Хонадон соҳиби Н. Голова 80 минг сўмлик моддий зарар кўрган. Шунингдек, Қўйлиқ-3 мавзесидаги 2-уй, 47-хонадонда ҳам ёнғин бўлиб, бу ерда газ асбоблари нотўғри фойдаланилгани аён бўлди. Энг ачинарлиси, В. Донилюк ёнғин туфайли оламдан кўз юмди. Банокатий кўчасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясига қарашли 6-ётоқхонада юз берган ёнғин ҳам анча ташвиш келтирди. Ҳайтовур ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракати билан ёнаётган хонада болаларнинг борлиги аниқланди ва улар зудлик билан бинодан олиб чиқилди. Болаларнинг қаровсиз қолдирилиши, электр анжомларнинг носозлиги оқибатида ёнғин келиб чиққан экан. Оқибатда 50 минг сўмлик моддий зарар етди.

Ёнғиндан сақланиш ойлиги каби кампанияларни кутиб ўтирмай, ҳар биримиз бу борада огоҳ бўлсак, ўт билан муносабатда эҳтиёткорлик қилсак, болаларни ҳамиша қаровсиз қолдирмасак, бундай нохушликларнинг олдини олган бўламиз.

■ **Аббос ИСМАТУЛЛАЕВ, Миробод туманидаги 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмаси назоратчиси**

Мактабларда навбатдаги ўқув йили якунланмоқда. Хива туманидаги I-ўрта мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Азиза Отажонова (ўртада) мана чорак асрки ёшларга ҳарф ўргатмоқда. Бугунда опанинг қизлари Уллибиби ва Бону Жабборовалар ҳам онаси бошлаган хайрли иш давомчилари бўлишган. Опа билан биргаликда ёшлар шу мактабда ёшларга таҳсил беришаётир.

Саъдулло БОБО олган сурат.

ХАТЛАР

СОХТА ЁЗИШМАЛАР КИМГА КЕРАК?

Газетанинг 2000 йил 20 апрель сонида чоп этилган «Раис ким учун ишлаши керак?» сарлавҳали мақола юзасидан Пахтаобод тумани ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Отақўзиев имзоси билан келган хатда: «фуқаро М. Қўзиева оилавий шароити оғирлиги учун 1999 йилнинг 3 апрелида енгилроқ иш сўраб ариза ёзган ва ўз аризаси билан ишдан бўшатилган», —дейилади. Аммо М. Қўзиеванинг 2000 йил 24 апрелдаги туман ҳокими О. Раҳимовга мақола юзасидан ёзган билдириш хатида: 1998 йилнинг 26 декабрида ҳеч қандай аризасиз иш ўрни қисқартирилди дея ишдан бўшатилгани баён этилган.

«Намуна» ширкат хўжалиги касаба уюшмаси бошлиғига 1999 йил 7 апрелда ёзган аризасида ҳам М.Қўзиева: «Оилавий шароитимни ҳисобга олмаган ҳолда 26/XII-98 йилда аризамсиз ишдан бўшатгансиз. Мана тўрт ой бўлаяптики қонуний иш ҳақимни ҳам, «расчётим»ни ҳам ололмаяпман. Менинг тирикчилигим анча оғирлашиб қолди...», дейилади.

«Раис ким учун ишлаши керак?» номли мақолада айтилган хўжалик ҳисобидаги алоқа бўлими биноси аризага биноан хўжалик раисининг акасига берилганлиги хусусида ҳам туман ҳокимлигидан жавоб хати келди. Унда айтилишича: «Хўжалик балансидаги алоқа бўлими хўжаликнинг 1993 йил 15 майдаги 6-сонли қарори билан Азимжон Матисаевнинг аризасига биноан фойдаланиб туриш учун берилган». Қизиқ, мавжуд қонунчилик асосида хўжаликнинг кўчмас мулки ҳисобланган бино «Кимошди» савдосига қўйилмасдан, шунчаки текин бериб юборилиши кишини ажаблантиради. Туман почта алоқа шаҳобчасининг маълумотномасида эса: «Ҳақиқатдан ҳам Маданият I алоқа бўлими биноси хўжалик балансида бўлиб, бинонинг ярмида хўжалик раиси Матисаев Адҳамжоннинг акаси яшаб келган, алоқа бўлими қисқартирилгандан кейин бинони қўшиб олган бўлиши мумкин», дейилган мужмал жумлалар бор.

Туман ҳокимлиги нимани текширди-ю, нимани аниқлаб, чора кўришди экан?

■ **Юсуф ХУДОЙҚУЛ**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1997 ЙИЛ

7 январь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг республика Олий Мажлиси еттинчи сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ушбу сессияда ва дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда (1996 йил 27 декабрда) сўзлаган нутқлари мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқиш ҳамда аҳоли ўртасида тарғиб қилишни уюштиришга доир вазифалари тўғрисида»ги қарори матбуотда чоп этилди.

Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси туб ислоҳотлар йўлида қатъий бораётган мустақил мамлакатимиз янги тарихида муносиб ўрин эгаллаши, унда қабул қилинган қонун ва қарорлар ватанимиз тараққиётининг нафақат ҳозирги босқичи, балки узоқ муддатли истиқболларига ҳам хизмат қилиши таъкидланди.

1 март. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XVII пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 1996 йилги фаолияти юзасидан ҳисобот, республика Олий Мажлисидаги ХДП фракциясининг ўтган йилдаги иши ҳақида ахборот, Ўзбекистон ХДПнинг 1996 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва унинг 1997 йилги бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ҳамда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

4 март. Ўзбекистон ХДП МК XVII пленумининг «Мамлакатимизнинг маънавий ва демократик янгиланишида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари иштирокини янада фаоллаштириш вазифалари тўғрисида»ги қарори матбуотда чоп этилди.

6 март. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги матбуотда чоп этилди.

Март. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVII пленуми якунларидан вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифаларига бағишланган Андижон, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоят, Тошкент шаҳар кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди.

15 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди. Меҳмон партия Марказий Кенгаши раҳбариятига илиқ қабул учун миннатдорчилик билдириб, Озарбайжонда ҳозирги кунда сиёсий ва иқтисодий аҳвол барқарорлашгани, республиканинг халқаро алоқалари кенгайиб бораётгани тўғрисида гапириб берди.

17 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Чи Куанг, унинг илтимосига мувофиқ қабул қилинди.

23 апрель. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика Олий Мажлиси VIII сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан парламентдаги партия фракциясига тавсиялар масаласи кўриб чиқилди.

23 апрель. Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика Олий Мажлиси VIII сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДПдан парламентга сайланган депутатларга тавсиялар масаласи кўриб чиқилди.

Апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги илмий-амалий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда Тошкент электротехника алоқа институти кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор А. Абдунабиев «Ўзбекистонда кўппартиявилик тизимининг шаклланиши — демократияни қарор топтиришнинг муҳим омили» мавзуида маъруза қилди. Машғулотда партиянинг Олий Мажлисдаги қатор депутатлари, ХДП МК, Тошкент вилояти ва шаҳри, пойтахт туманлари кенгашларининг масъул ходимлари, партия марказий нашрлари ижодий жамоаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(Давоми бор).

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимиз ёғ-мой саноатининг тўнғич корхоналаридан бири ҳисобланган Андижон ёғ-мой заводи 1907 йилда ишга туширилган. Ўшанда ушбу корхонада жуда кам миқдорда чигит қайта ишланарди. Йиллар ўтган сари корхонанинг қуввати ошиб борди. Тўқсонинчи йилларга келиб, бу ерда кўплаб ўсимлик ёғи ва хўжалик совуни ишлаб чиқариладиган бўлди. Чорва молларининг асосий озуқаси кунжара ва шелуха ишлаб чиқариш миқдори ҳам ошди.

Лекин, ишлаб чиқарилган минглаб тонна маҳсулотлардан халқимиз унчалик баҳраманд бўлолмас эди. Маҳсулотларнинг асосий қисми собиқ шўролар мамлакати раҳбарларининг кўрсатмаси билан узоқ-узоқларга ташиб кетиларди.

Юртимиз истиқлолга эришгач, бундай бедодликларга барҳам берилди. Яъни, шу муқаддас Ватан ўзимизники бўлгани сабаб, унинг неъматлари ҳам халқимиз дастурхонини тўкин қилиш учун хизмат қилмоқда.

Айтмоқчи, корхона ҳаётида мураккаб даврлар ҳам бўлган. Масалан, бундан беш йиллар аввал иш юришмай қолди. Цехлардаги дастгоҳлару технологик линиялар анча эскириб қолганлиги боис, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди. Сифати эса жиддий эътирозларга сабаб бўларди. Охир-оқибатда Андижон бозорларида, дўконларида ўсимлик ёғи ва хўжалик совуни етишмай қолди. Нархи эса таннарх ошганлиги сабабли кўтарилиб борарди.



1996 йилда корхона иқтисодиётида ўзгаришлар юз бера бошлади. Авваламбор Андижон ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раислигига шу соҳанинг билимдони, ажойиб мутахассис Абдувоҳид Сотволдиев сайланди. Янги раҳбар бошқарув аъзолари ҳамда «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси раҳбарияти билан маслаҳатлашиб, цехларни таъмирлашга киришди.



Авваламбор ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини оширишга хизмат қиладиган дастгоҳлар ўрнатилди. Ҳамда корхона лабораториясига маҳсулот сифатини текширадиган асбоблар келтирилди. Асосий ишлаб чиқариш цехларида ҳам янгиликлар ҳаётга дадил жорий этилди. Бу ишлар технологик такомиллаштириш дастурига асосан амалга оширилди. Чунончи, экстракция цехида технологик жараёнлар учун ишлатиладиган экстра бензин сарфини камайтиришга қаратилган бир қатор ишланмалар жорий этилди. Бунинг учун дефлекмация тизими тубдан ўзгартирилди, эски қувурлар янгиланди. Германиянинг «Скет» фирмаси технологияси асосидаги махсус линия ўрнатилганлиги ўз самарасини берди. Айни пайтда кўплаб экстра бензинни тежаб қолишга муваффақ бўлинмоқда. Энди 1 тонна чигитни

1

ТЎНҒИЧ КОРХОНАНИНГ DADIL ODIMLARI

қайта ишлаш учун 10 килограмм ўрнига 2,5 килограмм экстра бензин сарфланмоқда, холос.

Кейинги тўрт йил ичида корхонада эртанги кунни ўйлаб ҳаракат қилингани учун асосий маблағлар бунёдкорлик ишларига сарфланди. Асосий қурилиш эса корхонанинг қозонхонаси бўлди. Табиийки, ёғ заводи бўлгандан сўнг унга иситиш ва буғ қозонлари зарур. Илгарилари корхонанинг ўз қозонхонаси йўқ эди. Иссиқлик энергияси эса Андижон биохимия заводидан каттагина маблағ эвазига сотиб олинарди. Ишчилар ва қурувчилар ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилганликлари туфайли қозонхона қисқа муддатда фойдаланишга топширилди. Эндиликда анчагина маблағ тежаб қолинмоқда.

— Эзгу мақсад йўлида қилган саъй-ҳаракатларимиз ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади, — дейди акциядорлик жамияти раиси Абдувоҳид Сотволдиев. — Энг муҳими, одамларнинг корхонага, ўз касбига бўлган муносабати ўзгарди. Ишчи-хизматчилар яхшигина даромад олаётганликлари туфайли пировард натижа кўнгилдагидек бўлаётир. Масалан, ўтган йили 53 минг 683 тонна чигит қайта ишланиб 9124 тонна қора ёғ, 7747,7 тонна тозаланган ёғ, 25029 тонна кунжара, 16203 тонна шелуха, 6783 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилди ва режа 101,2 фоизга бажарилди. Соф даромад эса 9 миллион 438 минг сўмни ташкил этди.



Корхонамизда меҳнат қилаётган 860 нафар ишчи-хизматчининг ўртача ойлик маоши 20 минг сўм атрофида бўлгани ҳолда йил якунлари бўйича мўмайгина дивиденд ҳам олмоқдалар. 50 ўринли сўлим дам олиш масканимизда одамлар яхши хордиқ чиқармоқдалар. Бу ўз-ўзидан корхонанинг қувватини оширишга, иқтисодий ислоҳотларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда бир кеча-кундузда 600 тонна чигит қайта ишланиб, 90 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Бу йил корхона оладиган соф даромад жуда баракали бўлиши кутилмоқда. Чунки ҳозиргача барча қурилишлар ниҳоясига етиб қолди. Ишлаб чиқариш эса янада кенгайди. 2000 йил жамият аъзолари 70 минг тонна чигитни қайта ишлаб, 11900 тонна қора ёғ, 10115 тонна тозаланган ёғ, 31500 тонна кунжара, 22120 тонна шелуха, 11 минг тонна хўжалик совуни ишлаб чиқаришмоқчи. Айтмоқчи, бугунги кунда аҳолининг соя ёғига бўлган талаби ҳам ошиб бормоқда. Буни ҳисобга олган акциядорлар Америка Қўшма Штатларидан келтирилган 10 минг тонна соя донини қайта ишлаб, 1800 тонна қора ёғ, 1584 тонна тозаланган ёғ, 7550 тонна соя кунжараси ишлаб чиқарадилар.

Яна бир гап. Корхонанинг хомашёга бўлган эҳтиёжини қондириш долзарб масаладир. Зеро, эндиликда буғдой ва бошқа дон экинларидан бўшаган майдонларга кунгабоқар ва соя уруғи экилишини таъминлаш корхонадагиларнинг эзгу ниятидир. Шу мақсадда Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасидан 120 тонна сифатли соя уруғи келтирилиш арафасида. Ана шу уруғлик вилоятдаги 1,5 минг

2

гектар майдонга экилади. Мўлжал эса 30 минг тонна соя дони етиштириш. Ўтган йили Избоскан туманида соя етиштирилганди. Уруғлик сифатли бўлмагани учун ҳосилдорлик паст бўлди.

Эндиликда давр талаби — ҳар бир корхонадан дунё андозаларига хос ва мос маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этмоқда. Жумладан, бундан икки йил аввал бу ерда қўшма корхона ташкил этишга қарор қилинган. Ниҳоят ўтган йили бу иш амалга ошди. Март ойида «Андижон фларуп ойл компани» масъулияти чекланган Ўзбекистон — Америка — Бельгия ҳамкорлигидаги қўшма корхонанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Қўшма корхонанинг Низом жамғармаси 996 минг 640 АҚШ доллари миқдорида белгиланди. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси 10 фоиз, яъни 96 минг 664 АҚШ доллари миқдорида, «Андижонёғмой» ҳиссадорлик жамияти 25 фоиз ёки 241 минг 660 АҚШ доллари, АҚШнинг «Апланд энтерпрайзез» компанияси 55 фоиз ёки 531 минг 652 доллар, Бельгиянинг «Фларус НВ» компанияси 10 фоиз ёки 96 минг 664 долларлик улуш қўшди.

Қўшма корхонага Германиянинг «Кирхфельд» компаниясида ишлаб чиқарилган ёғни дезодорация қилиш линияси ўрнатилган. Ускунанинг умумий нархи 628 минг 316 доллар миқдорида. Ёғни қадоқлаш цехида эса Франциянинг «Стека» компаниясида ишлаб чиқарилган 1 литрли полиэтилен идишларни тайёрлаш, ёғ қуйиш, қопқоқлаш, ёрлиқ ёпиштириш линияси ўрнатилган. Унинг нархи 341 минг 640 АҚШ долларига тенг.

Қўшма корхонада 43 киши меҳнат қилади. Бу ерда бир кеча-кундузда 40 тонна ёғ дезодорация қилиниб идишларга қуйилади.

«Андижонёғмой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг муваффақиятини малакали, тажрибали ишчи-хизматчилар таъминламоқдалар. Раҳимжон Алимов, Маъмуржон Юсупов, Гулсара Юсуфжонова, Тожиддин Тожибоев, Жамилахон Икромова, Зуҳрахон Пўлатовалар ўзларининг ғайрат-шижоатлари билан кўпчиликка ибрат бўлишаётир.

Хуллас, келажакка умид билан қараётган ҳиссадорлар иқтисодий ислоҳотларни дадил амалга оширмоқдалар. Ўйлаймизки, уларнинг эзгу режалари амалга ошаверади.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

***

Суратларда: ҳиссадорлик жамияти цехларидаги меҳнат жараёнидан айрим лавҳалар. Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

3

"БЕРН ИТТИФОҚИ" ТОШКЕНТДА ЙИҒИЛАДИ

25-26 май кунлари Тошкентда Кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш халқаро иттифоқининг ("Берн Иттифоқи") Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликларининг навбатдаги йиғилиши ўтказилади.

Унда "Берн Иттифоқи"-га аъзо бўлган ўндан ортиқ Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг экспорт-кредит агентликлари раҳбарлари иштирок этади. Учрашувда 1997 йилдан буён мазкур халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган "Ўзбекинвест" экспорт-импортни суғурталаш миллий компанияси мамлакатимиз вакили сифатида иштирок этади.

Йиғилишда халқаро савдони кредитлаш ҳамда инвестиция учун қулай шароит яратишда муҳим ўрин тутувчи экспорт-кредит агентликлари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади.

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

Индонезиянинг Ачех вилоятида қуролли тўқнашув натижасида ҳукумат қўшинлари томонидан саккизга яқин айирмачи ўлдирилди ва бир қанча қурол-аслаҳа қўлга киритилди. Ушбу тўқнашув Швейцарияда Индонезия ҳукумати билан "Ачех озодлиги" айирмачи гуруҳи ўртасида имзоланган тинчлик битимига қарши йўналтирилган ҳаракат сифатида изоҳланмоқда.

ТАШРИФ КЕЧИКТИРИЛДИ

Исроил Бош вазири Эҳуд Баракнинг АҚШга мўлжалланган давлат ташрифи кечиктирилди. Хабарларга қараганда, бунга Ливан жанубидаги нотинчликлар сабаб бўлмоқда.

Вашингтондаги учрашувда Исроил билан Фаластин ўртасидаги музокаралар жараёнига боғлиқ масалалар кўрилиши мўлжалланган.

"БОИНГ-767" ТЕКШИРУВДА

АҚШ ҳукумати мамлакатдаги барча авиакомпаниялардан "Боинг-767" русумли самолётларни диққат билан текширувдан ўтказишни сўради. Бунга охирги вақтларда шу русумдаги самолётларда носозликлар учраётгани сабаб бўлди.

(ЎзА)

«МЕНИНГ БУВАМ ВА БУВИМ» ДУНЁ КЕЗЯПТИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Чехия Республикасида ўтказилган «Лидице-99» Халқаро болалар тасвирий санъат асарлари танловида қатнашган бир гуруҳ йигит-қизларимизни тақдирлаш маросими уюштирди.

Анжуманда Чехия Республикасининг муваққат ишлар вакили Мария Опелова хоним газетамиз муштарийлари учун махсус интервью берди.

— Юртингизда истеъдодли ёшлар жуда кўп. Улар 1994 йилдан буён Халқаро болалар тасвирий санъат танловида фаол қатнашиб келади. «Менинг бувам ва бувим» мавзуида ўтказилган «Лидице-99» 27-Халқаро болалар тасвирий санъат танловида 14 нафар ўзбек ёшлари совринли ўринларни эгаллашди, — дейди Мария хоним. — Улардан 3 нафари эса медаль ва диплом билан тақдирланди. Уларнинг ижодларидаги серқуёш юртингизнинг қайноқ тафти, самимий, меҳр-оқибатли, болажон нуроний сиймолари европаликларни , нуфузли ҳайъат аъзоларини лол қолдиряпти. Бир оилада Ўзбекистонни, Ўзбекистон тасвирида бир оилани тасаввур этиш мумкин. Бу Ўзбекистон — истеъдодлар юрти демакдир. Жаҳон тасвирий санъатига бу юрт кўплаб аллоларни тарбиялаб етказган. Зеро, бу юрт Беҳзод юртидир...

Ҳақиқатан ҳам шундай. Прагада Қашқадарё тасвирий санъат лицей-интернати ўқувчилари Маҳмуд Холовнинг «Буви ва невара» ҳамда Маҳмуд Содиқовнинг «Менинг бувам ва бувим» деб номланган картиналари медаль ва диплом билан мукофотланди.

Истиқлол мевалари улар. Бугунги кунда ўзбекнинг «Буваси», «Бувиси» Прагада, Руминияда, Болгарияда, қолаверса, жаҳон бўйлаб намойиш этилади. Демакки, ҳур юртнинг ҳур болалари ижодлари дунё кезяпти.

■ **Барно АЛИЕВА**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси 2000 йил 31 май куни соат 11[00] да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдосига қўйилган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Расулов кўчаси, 13-уйда жойлашган, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институтига қарашли:

Умумий майдони 899 м² бўлган бино, қўшимча иншоотлар ва асбоб-ускуналар (телефон станцияси ва кондиционер) бошланғич баҳоси ўзгарганлиги сабабли савдодан олинганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Республика Кўчмас мулк биржаси.
Телефонлар: (371) 136-15-29, 136-28-75, факс: (371) 136-06-17

Тошкент шаҳар, Сирғали туманидаги «ASR NUR» МЧЖ, код ОКПО 16878704
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Нилуфар кўчаси, 28.

ФМТ-1

«ОБУНАЛОТО»

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ☐ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони ☐

2000 учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ☐ (почта индекси) ☐ (манзилгоҳ)

Кимга ☐ (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

«ОБУНАЛОТО»

☐ п.в ☐ Жойи

Нашрга етказиш варақаси ☐ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ☐ (почта индекси) ☐ (манзилгоҳ)

Кимга

КЎРСАТУВ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

«РАКУРС» — ФАЛСАФИЙ ИДРОК

Ҳайрат қалбни юксалтиради. Кўнгилдаги ғуборлар чекинади. Бўм-бўш қолган юракда ҳайрат яшай бошлайди. Худди ёмғирлар уйғотган майса мисоли озод фикрлар туғилади.Фикр тиниқ осмондаги ой каби балқийди. Унга талпинади олам. Муножот айтади тириклик. Унга интилади. Бутун мавжудот ҳайратлар соғинчидир, бу «севинчнинг қайғуси, кулгунинг йиғисидир» бу. Нимадир, қандайдир туйғулар кезина бошлайди қалбингда. Шунда шоирнинг мана бу сатрларини пичирлайди тилинг:

Сўзларни қайрайлик
Ўйдан тоблайлик,
Идрок-ла совутиб
тағин қайрайлик,
Ўзбекнинг қоракўз
болаларига,
Битта дунё
қолсин ҳайратлик.

Бугун мана шу ҳайратлар оламини яратаётган замондошларимизнинг борлиги кишида фахр туйғусини уйғотади. Шоир айтганидек, ҳар бир сўзни идрокла, болаларимиз ҳукмига ҳавола этмоғимиз зарур. Ўшандагина бугунги авлод темурзот бўлиб улғаяди. Ўшандагина истиқлолнинг тақдири ишончли қўлларда бўлади.

Сиз ва бизга уйғоқ овоз билан сўз айтаётган, ҳайратлар бахш этаётган бу одам, қалбининг энг тўрида ички зиё нур таратиб турибди. Мана шу зиё, миллатнинг ҳур болалари кўксида алангага айланмоғи зарур. Тирик сўз яшайди. Тафаккур дунёсида титрамаган туйғулар яшайди.

Бошқаларнинг улуғ фазилатларини тан олиш билан ҳам дунёвий салтанат ривожига салмоқли ҳисса қўшиш мумкин. Аслида бу каби замондошларимизни билиш, уларнинг серқирра фаолиятлари билан танишиш фарзандларимизнинг истиқболи, ўзимизнинг қалб эҳтиёжимиз, кўнгил хотиржамлигимиз учун ҳам зарур.

Қарама-қаршиликлардан иборат бу ҳаётда рост сўзни авлодларга англатиш ҳам жасоратку...

Ўзбекистон телевидениеси Ёшлар телеканали орқали намойиш этилаётган «Ракурс»нинг энг асосий хусусияти — фалсафий идрокдир, оддий шарҳ, жўн тасвир эмас.

Сир-асрору, жумбоқлардан иборат инсон кўнглини кашф қилиш оғир эмасми? Ахир шу оғирликнинг асосий қисми муаллифнинг зиммасига тушади-ку? Елкасида залворли юкни кўтариб кетаётган ижодкорнинг дил туғёнлари, жуда тез сиз ва бизга кўчиб ўтади.

Сизнинг руҳиятингизни забт қила оладиган даражадаги фалсафий идрок ижобий маънода сизни ўз асирига айлантириб оладиган теран мушоҳада — ахир, шулар-ку биз излаб юрган мўъжиза. Биз интилаётган юксаклик. Қалб озодлиги.

«Ракурс»ни дунё юзини кўрган 1996 йилдан бери кузатаман. Ва шундай хулосага келганман. «Ракурс» дунёга идрок ва ижоднинг маҳсули сифатида келди. Унинг ҳар бир сони мукаммал бир асардир.

Яхши асар эса, абадийликка юз тутади. У юракнинг мулкига айланади. Уни севувчилар ушбу дунёларини ҳеч нарсага алмашмайдилар. Уни қисмат китоби сифатида ардоқлашади.

Жуда кўп кўрсатув ва эшиттиришларнинг аввало ғояси туғилади. Ва у ўз йўналишини топгунча анча вақт ўтиб кетади.

Муаллиф ҳаддан ташқари синчков. У ўзини қуршаб турган ҳаётни ҳам, ўзи танлаган қаҳрамонларининг дардлари, ташвишлари ва қувончларининг барча тафсилотларигача билиб ҳамма нарсани ўзининг ўткир нигоҳи билан кўриб, теран идроки билан ҳис этади. Гоҳида шафқатсизларча кашф этади. Энг муҳими, кўрсатувдан кейин сизнинг кўнглингизда иккилантирувчи туйғулар қолмайди.



«Ракурс»ни кўрар экансиз, қалбнинг қирраларини англай бошлайсиз. Қалб мисоли бир денгиз. У сокин жим турaверади. Ойга, қуёшга маҳлиё бўлган пайтларда эса сукунат йўқолади. Денгизда самони қучишга қодир уйғоқ тўлқинлар пайдо бўлади. Денгиз ҳақида ёзмоқчи бўлган одам унинг ҳайқириғини кузатмоғи зарур. Тўлқинлар билан бирга денгиз қўшиқлари отилади. Қалбнинг энг тўридаги яширин туйғулар, оламлар худди мана шу қўшиқлар сингаридир. Унинг суратини эмас, сийратини англаш онлари худди шу вақтдан бошланади. «Ракурс» муаллифи буларнинг барчасини осойишта жим кузатади. У баланд парвоз гаплардан, оҳори тўкилган туйғулардан ҳоли ўзга бир оламни топиб оладида, уни сизга етказа бошлайди. Қалбнинг сарҳадсиз кенгликларида чопиб кетаётган маъсум болалик, ёшликнинг гўзал фасллари , етуклик юз кўрсатади. Бу кенгликларда қалб қирраларини англаш дамлари кезиб юради. Кўзларида чуқур маъно зоҳир бўлган муаллиф денгиз қўшиқларини тингларкан, томошабинларга нималарнидир тушунтиришга уринмайди. У сизни воқеанинг энг нозик нуқталари билан юзма-юз қолдиради. Соғлом фикр дунёсига очиладиган эшикка сизни рўпара қилади. Йўқ-йўқ у етакламайди. Фақат ўша йўлни кўрсатади. Томошабинни машаққатли тафаккур оламига ҳавола этади.

Сиз кўрсатув тугаётганида юрак тўла ҳайрат билан қоласиз. Руҳиятингиз рангин нурларга беланади.

«Ракурс»ни баҳорга ўхшатаман. У оламга, одамга гўзаллик бахш этади. Унинг қай пайтда келганини, қачон кетганлигини англай олмайсиз.

Лавҳа дебочасида қаҳрамонимизни сизга таништиришга шошилмадик. Сиз уни таниб олишингизга ишонгандик. Чунки, сиз доимо ўзингизда унинг идроки ва теранлигини англаш муҳтожлигини сезасиз...

Шунинг учун ҳам сиз уни танийсиз. Ҳа, сиз янглишмадингиз.

Ўзбекнинг қоракўз болаларига ҳайрат ва ҳавас улашаётган бу тафаккур соҳиби — Ойбек ВЕЙСАЛдир.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЖАВОҲИР

МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАЛАРИ

Саҳобалар ичида энг камбағалроғи бўлган Абу Ҳурайра разиаллоҳу анҳу эди. Бир куни унинг қорни очиб, нима қиларини билмай, бир пайтлар унга ҳадя этилган чопонини сотмоқчи бўлибди. Чопони уйидаги ягона янги ва чиройли кийим бўлгани учун Абу Ҳурайра уни байрам кунлари кийишни хуш кўрар эди. Буни ҳамма биларди. Бозорда чопонини ушлаб турган экан, уни амирал мўъминин Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) кўриб қолибдилар.

— Ҳой, Абу Ҳурайра, чопонингни ушлаб бу ерда нечук турибсан?

Абу Ҳурайра Абу Бакр уни бу ҳолатда кўрганлигидан хижолат чекиб:

— Чопонимни сотаяпман, қорним очиб кетди, — дебди,

Шунда Абу Бакр (р.а.)

— Бу ишингни қўй. Ахир бу чопонни жуда ҳам яхши кўрасан-ку? Яхшиси, мен сенга, хўп десанг, «Дорул-мол»дан оз-моз пул олиб бераман. Эҳтиёжингга ишлатасан, — дебди.

Абу Ҳурайра (р.а.) эса:

— Йўқ, ўзимнинг имкониятим бўла туриб «Дорул-мол»дан пул олмайман. Қолаверса, чопон меники, хоҳласам сотаман, хоҳламасам йўқ...

Унинг ўз айтганидан қайтмаслигини сезган халифа:

— Ундай бўлса айтчи, қанчага пулламоқчисан?

— Эй амирал мўъминин, сенга сотмайман. Чунки сен менинг биродаримсан. Агар сенга шу чопон керак бўлса шундай олавер, — дебди.

Абу Бакр (р.а.): — Ахир, сен чопонни сотиш учун олиб чиқдинг-ку, қолаверса қорнингни тўйғазмоғинг керак. Ўжарлик қилмагин-да, нархингни айт, савдолашмоқ суннатдир, — дебдилар.

Абу Ҳурайра (р.а.): — Мен кўзлаган нархимда сенга сота олмайман. Нафсим қўлида бўлган Аллоҳ ҳаққи мендан бунинг нархини сўрамай, берадиганингни майли берақол. Борига розиман.

Халифа жуда ҳам баланд нархни айтибди. Абу Ҳурайра бунга кўнмабди. Ўртароқ нархни айтибди, кўнмабди. Ахийри қизишиб:

— Ахир қанчага сотасан? — дебди.

Абу Ҳурайра битта ёҳуд иккита (валлоҳу аълам) нон сотиб олишга етадиган миқдордаги нархни айтибди. На илож бунга кўнган халифа ўша пулни санаб бериб, чопонни сотиб олибдида, Абу Ҳурайрага юзланибди:

— Энди бу чопон меники, тўғрими?

— Тўғри.

— Демак мен бу чопонни хоҳлаган мақсадимда ишлатишим мумкин, шундайми?

— Шундай.

Ундай бўлса, эй Абу Ҳурайра, Аллоҳ ризолиги учун мана шу чопонни сенга ҳадя қилдим, — деб уни донг қотган дўстига топширибди. Бундан ниҳоят даражада таъсирланган саҳоба кўзда ёш билан:

— Аллоҳ сендан рози бўлсин! Аллоҳ сендан рози бўлсин! — деб хитоб қилиб дўстини қуча бошлабди.

■ **Ҳусниддин БЕРДИЕВ тайёрлади.**

ЮРГАН ДАРЁ...

ВАТАН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ

Болалигимда қайсидир мамлакатнинг фуқароси пиёда ёки велосипедда ва яна бошқа транспорт воситасида дунё бўйлаб кезганлиги ҳақида эшитиб қолардим. Йиллар ўтиб ўзимизнинг ўзбек диёримиздан ҳам ана шундай рекордчилар чиқишини, юртимизни элларо кўз-кўз этишини орзу қилардим. Истиқлол шарофати билан юртимиздан ҳам ана шундай жаҳон кезгучи сайёҳлар чиқди. Пойтахтимизнинг Сирғали туманида истиқомат қилувчи Мурод Қосимов мустақилликнинг етти йиллик арафасида Буюк ипак йўли бўйлаб дунёнинг 25 мамлакатини велосипедда босиб ўтишга қарор қилган эди. Аммо, Туркманистон, Озарбойжон, Арманистон, Грузия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Миср, Греция ва Италия мамлакатларининг шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиққач, Югославия ҳудудида бошланган уруш сабаб сафарни тўхтатишга тўғри келди. Мурод ака яқинда таҳририятимизга келиб:

— Бундоқ ўйлаб қарасам, Буюк ипак йўли бўйлаб қилган сафаримнинг ғарбий қисмини босиб ўтибман. Энди Осиё мамлакатлари бўйлаб ўтувчи шарқий қисмини ҳам велосипедда босиб ўтиш истаги туғилди. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг менга яқиндан ёрдам кўрсатишини эшитиб, менда шижоат уйғонди, — деди.

— Мен қайси мамлакатда юрмай, ҳамиша Ватаним байроғини баланд кўтариб юрдим. Қисқа вақтда эришган ютуқларимизни хориж оммавий ахборот воситалари вакилларига гапириб бердим. Мени қувонтиргани барча мамлакатларда Ўзбекистон ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Келажаги буюк давлат эканлигини эътироф этишди. Президентимиз Ислом Каримовнинг фаолиятига юксак баҳо беришди. Бундан қувонмай бўладими?! — дейди М. Қосимов.

— Сафаримни шу йилнинг ёз ойларига мўлжаллаб турибман. Насиб этса, мустақиллигимизнинг 10 йиллигига совғам бўлади. Шубҳасиз, саёҳатимнинг иккинчи қисмида ҳам озод ва обод юртимизни, унинг меҳнаткаш халқини хорижий давлатлараро тарғиб этиб, танитиб келаман, — дейди Мурод ака.

Улуғ ғоялар инсонни юксакликка олиб чиқади. Баъзида майда ташвишларга кўмилиб, майдалашиб қолган одамларни кўрсам, ўзидан нарини кўрмай қолган, тушунчаси енгил-елпи экан деган ўй кечади кўнглимдан. Инсонни улуғ ғоялар тарбиялайди, вояга етказади. Миллатни ҳам улуғ ғоя ёруғликка олиб чиқади. Ахир мулоҳаза қилинг, сайёҳ ҳам сизу биздек одам, унинг ҳам бола-чақаси бор, рўзғор ташвиши унга ҳам ёт эмас. Лекин узоқ сафарга отланар экан, нимани орзу қилаяпти? Ватанни, халқини дунё аҳлига тарғиб қилиш, ўзлигини танитиш. Қани энди мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундай ўй, фикр билан яшаса.

— Биласизми, бу йилги сафаримга «ОЛИМП» қўшма корхонаси махсус велосипед ясаб бермоқчи. Айниқса, Сирғали туман, Ҳабибий номидаги маҳалла қўмитасининг қўллаб-қувватлаши руҳимга куч бағишлади. Маҳалланг, ён қўшнинг сенга хайрихоҳ бўлиб турса, иссиғингдан, совуғингдан хабар олиб турса, кўнглингда ҳаловат бўлади. Ишингда барака бўлади, — дейди у.



— Иккинчи сафарингизда қайси мамлакатларда бўлиш назарда тутилган?

— Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Хитой, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиш ниятим бор. Албатта, бу мамлакатларнинг барча ҳудудларини кезиб чиқиш оғир. Биргина Хитойда қанча вилоят, туман мавжуд. Шундай бўлсада, Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган йўллардан ўтишга ҳаракат қиламан. Бу менинг олий мақсадим.

Биринчи сафар давомида ҳамиша ёнида «Ўзбекистон овози» газетасини олиб юрганини, унда ёритилган сафар тафсилотлари билан хорижда юрганда танишиб борганлигини айтди Мурод ака.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

САМАРҚАНДДА ХАЛҚАРО ТЕННИС

Қадимий шаҳарда анъанавий халқаро «Челленжер» турнири давом этмоқда. Мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган бу мусобақада Аргентина, Австрия, Бразилия, Белорус, Германия, Ҳиндистон, Италия, Норвегия, Испания, Покистон, Россия, Франция ва Швейцария каби мамлакатлардан келган теннисчилар ўзаро куч синашмоқда. «Вилоятимизда 50 дан зиёд теннис кортлари мавжуд бўлиб, уларда минглаб спортчилар маҳоратларини оширмоқдалар», — дейди вилоят ҳокими Эркин Рўзиев. Мусобақанинг очилишида ITP президенти Сассон Какшури ҳам қатнашди. У кейинги йилларда Ўзбекистонда теннис спортнинг оммавий ва қизиқарли турларидан бирига айланганини эътироф этди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**

УЧИШ МАЙДОНИДА ФАҚАТ ЁШЛАР

Тошкент аэроклубининг «Аранча» аэродромида ўсмирлар ўртасида ракетамодель бўйича республика чемпионати ўтказилди. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти Марказий кенгаши томонидан уюштирилган бу мусоқабада 50 дан зиёд ёш спортчи конструкторлар ўз маҳоратини намойиш этишди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жамоаси биринчи марта бундай бахсда қатнашди. Кўтчиликда катта қизиқиш уйғотган мусобақада бухоролик ракетамодельчилар биринчиликни қўлга киритишди. Самарқанд ва пойтахт спортчилари 2 ва 3 фахрли ўринларни эгаллашди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпания жамоаси ташкилотлар орасида зафар қучди. Шахсий ҳисобда тошкентлик Шоалим Шомуқимов чемпион бўлди. Шунингдек, Каттақўрғондан Д. Боқиев пойтахтдан Қ. Муҳиддинов, Бухородан Н. Сатторов билан И. Исмагиловлар фахрли ўринларни эгаллашди.

■ **Шаҳобиддин ЗАЙНУТДИНОВ**

ГРОССМЕЙСТЕРЛИКНИ КЎЗЛАБ

Шу кунларда давом этаётган Республика шахмат биринчилиги қатнашчилари учун спорт устаси ва гроссмейстерлик талабини бажариш имконияти бор. Республика шахмат клубида дона сураётган 9-миллий чемпионат иштирокчилари орасида кучли шахматчилар бор. Кимки 11 имкониятдан 8 очко жамғарса ошиғи олчи деяверинг: ё спорт мастери, ё гроссмейтер бўлади. Мухлислар Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Сергей Загребельний, Михаил Салтаев, Шуҳрат Сафинлар ўйинларини кузатмоқдалар. Дастлабки учрашувларда Загребельний — Алибоевни, Егин — Йўлдошевни енгди. Қолган учрашувлар дуранг бўлди.

■ **Мамажон МУҲИДДИНОВ**

СУЗУВЧИЛАРГА АТАЛГАН «ТАЙОТА»

Навоий шаҳридаги «Олтин сув» сузиш мажмуасида ўтаётган Ўзбекистон чемпионатида мовий йўлкалар бўйлаб 120 нафар спортчи куч синашмоқда. Улар орасида Олег Пухнатий, Олег Цветковский, Саида Искандарова, Анастасия Королева каби етакчи сузувчилар бор. Хусусан, 400 метрга эстафетали сузишда Олег Цветковскийнинг маҳорати кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Навоий тоғ-металлургия комбинати жамоаси эса моҳир спортчиларни тарбиялашдаги хизматларини, инобатга олиб, «Олтин сув» сузиш мажмуасига «Тайота» микроавтобусини совға қилди.

■ **Пўлат ЎТКИРОВ**

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетада чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетада эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охирги олтитаси, бештаси, тўрттаси, газетадаги рақамга мос келса — ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетада ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуққа — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охирги уч рақами (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имконияти қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан уларни ташлаб юборишга шошилманг.

ТЕХАС ҲАНГОМАЛАРИ

— Биласанми, хотинимга «Пулни қандай тежаш керак» деган китобни совға қилдим, — дея мақтанди Билл танишига.

— Ҳўш-ҳўш, натижаси қалай? — қизиқсинди таниши.

— Чакки эмас. Мен ичишни, чекишни ташладим, яна 10 килога оздим.

* * *

Техас шаҳарларидан бирига янги кўчиб келган киши ковбойдан сўради:

— Айтишларича, бу шаҳарнинг ҳавоси зўрмиш, шунданам аҳоли узоқ умр кўрармиш-а?

— Тўппа-тўғри. Мана, яқинда биз навбатдаги янги қабристонни кўрдик. Қабристон анча вақт бўм-бўшлигидан, бир неча одамни отдик.

Изоҳга ҳожат йўқ! Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат

«Шаҳдам ЭЖ» МЧЖ фирмасининг думалоқ муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги УТТД, «АлКаНиМ Трейд Хауз» савдо уйи ТУГАТИЛАДИ. Даъволар икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 137-67-56

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Ҳамид Икромов

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА